



**А.РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
А.САМИЕВ,  
Б.УМАРОВ,  
О.АЗИЗОВ.**

# **УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ**



**Ўзбекистан Республикаси Халқ,  
таълими вазирлиги**

**Сурхондарё вилоят педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш институти**

**А.Рахматуаллаев, А.Самиев,  
Б.Умаров, О.Азизов.**

*узлуксиз таълим тизимида  
инновацион технология  
(Услубий кулланма)*

*Термиз-2013*

УДК .371.01 ВБК 74.05  
Р 33

*Мазкур услубии кулланмада муаллийларнинг узлуксиз таълим тизими укув жараёнига тадбик этилайотган замонавий педагогик технология ҳамда интерфаол усулларни куллаш буйича тажрибаларидаи намуналар жамланган. Педагогик технологиянинг интерфаол усулларидан бири-аклий хужумдир. Бу усулни куллаган холда дарсларни ташиқил этиши укувчиларнинг интеллектуал салохиятини кенгайтиради ва дарсинг сифатини мазмунан янгилайди.*

*Кулланма узлуксиз таълим тизимида фаолият юритаётган укутувчилар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси тингловчилари ва рахбарларининг касбий-педагогик салохиятини оширишни назарда тутди. Ундан умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари укутувчилари ва кенг жамоатчилик фойдаланишлари мумкин.*

Масъул мударрир:

**Б.Ё.ЁРИЕВ,**

- Ўзбекистан Ёзувчилар ва журналистлар уюшмаларининг аъзоси,  
филология фанлар номзоди, доцент.

Такризчилар:

**М.БОЗОРОВА,**

- педагогика  
фанлари номзоди,  
доцент.

**О.БЕРДИЕВА,**

- 376 (01) 2013

- ISBN 978-9943-18-391-9



## КИРИШ

Ўзбекистан Республикасида ижтимоий-сиёсий мустикаллик кулга киритилгач, маънавий-маърифий соҳада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшлар масаласи давлат сиёсатининг узак қисмига айланди. Бу борада унлаб қарор ва фармонлар қабул қилинди. «Таълим тугрисида»ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳаётга тадбиқ; этилди. Бу эса таълимни тубдан узгартириш ва замонавий талаблар даражасига кутариш учун омил яратди.

Шу маънода миллий дастур босқичларида таълим жараёнини педагогик технологиялар билан таъминлаш алоҳида вазифа сифатида курсатиб утилган.

Замонавий педагогик технологиянинг моҳияти анъанавий оғзаки баён қилиш усулидан воз кечиб, купрок, мустикал таълим тусини олишига рағбат беришни, келажакда эса ахборот-коммуникация, инновацион технологиялардан кенг фойдаланишга утишни таъминлашдан иборат.

Истиклол шарофати туфайли илм масканларимизга булган эътибор кучайтирилди. Улар жорий ва мукамал таъмирдан, чиқарилиб, ёшларнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди ва эски андозалардан бутунлай воз кечилди. Таълим-тарбия янги замон руҳига мосланди.

Миллий истиклол менталитетимизга мос тарзда қурилган ва жиҳозланган илм масканларини келажаги юксак, билимли ёшларга очиқ берди. Ёшлар деганда, ҳаракатчан, уз қизиқишлари, орзу-умидлари билан ажралиб турувчи катта ижтимоий гуруҳ қуз унгимизда намоён булади. Ўзбекистан аҳолисининг қарийиб 35 фоизини 16 ёшгача булган болалар, б3 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача булган янги авлод вақиллари ташқил қилади. Бундан узлуксиз таълим тизимидаги янги ҳа ислохотларнинг аҳамияти қанчалар муҳим эканлигини янада чуқуррок ҳис этамиз.

Ёшлар-юртимизнинг истикболи, келажаги. Шу боис, улар мамлақатимиз таракқиёти ва фаровонлиги йулида, улуг аждодпаримизнинг муносиб ворислари сифатида улгайиб, дадил интилишлари билан буюк давлатимизнинг пойдеворини янада муствақкамловчи бунёдқор қучдир.

Президентимиз И.А.Қаримов ташаббуси ва раҳнамолигида Тошқентда 2012 йил 16-17 февраль қунлари «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлақатни

барқарор тараккий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартлари» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Бу конференцияда қўлаб халқаро ва молия ташкилотлари, БМТ, Осиё тараккийёт банки, Жаҳон банки, Ислоҳ тараккийёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АКШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан 270 нафар таълим тизими раҳбарлари, илм-фан соҳасидаги етук олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этишди. Ушбу халқаро конференцияни Тошкентда утқазилишининг узига хос рамзий маъноси бор. Бундан мақсад, узлуксиз таълим ва ёш авлодни барқамол этиб тарбиялаш миллий моделини яратишда Ўзбекистан тажрибасини янада кенг жамоатчиликка тарғиб этишдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари халқаро конференцияда апоҳида таъқидлаб утганларидек, бундан 15 йил олдин қабул қилинган «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури», деб ном олган таълим соҳасини ислоҳ, қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма- босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган булиб, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар биз танлаган «Ўзбек модели» нинг ажралмас тарқибий қисмидир. Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараккий топган илғор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида утмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафқуранинг қолип ва андозапаридан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-усиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган булиб, қисқача айтганда, бу дастур уз қарашлари ва қатъий гражданик позициясига эга булган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қуяди.

Биз, педагоглар, замонавий инновацион технологиялар асосида барқамол авлоднинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда виждонан ва қалбан меҳнат қилишимиз, порлок, келажакимиз олдида масъулиятли булишимиз керак. Юнон донишманди Афлотун айтганидай, «Фарзандларимизнинг илм ва адабини узимизнинг илм ва адабимиз билан чекламайлик, уларни қелгуси замон учун тайёрлайлик, чунки улар бизнинг замонамизга тегишли эмас, улар қелгуси замон одамларидир».

## ТАЪЛИМ ИСЛОХОТИ-РАВНАК ИФОДАСИ

Жахоннинг ривожланган мамлакатларида таълим технологиясининг мазмуни ва ахамияти изчил ошиб бориб, у нафакат иктисодиёт, балки бутун жамиятнинг барча сохаларини сифат жихатидан янги боскичга олиб чиқишга туртки булди. Таълим инфратузилмаси мамлакат тараккиётининг энг мухим омиллардан бирига айланди,

Бугун мамлакатимиз таълим тизимининг дунё микёсида тобора нуфузи ошиб, хорижий давлатлар нигохида намуна сифатида каралаётганлигининг асосий сабаби, шубхасиз, кадрлар тайёрлаш тизимининг узига хос мукамаллиги баробарида, жахондаги энг илгор тажрибаларнинг тезкор узлаштирилиши билан чамбарчас боглиқдир.

Миллий моделнинг узига хослиги шундаки, у бугунги кунда «билим-бутун хаёт давомида хар бир инсон учун» тамойили талабларига тулик жавоб беради. Умуман, бу моделга кура, инсон бутун хаёти давомида билим олиш, касб куникмалари ва янги мутахассисликларга эга булиш имкониятларини кулга киритади.

«Таълим тугрисида»ги Конун, <<Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» мазкур сохадаги чукур ислохотларни амалга оширишнинг янги замонавий боскичини бошлаб берди. Ушбу хукукий хужжатлар билан Узбекистонда таълимнинг етти боскичи: мактабгача таълим, умумий урта таълим, урта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш, мактабдан ташкари таълимни камраб олган узлуксиз таълим тизими йулга куйилди.

**Мактабгача таълим.** Мактабгача таълим бола шахсини соглом ва етук, дидини, дунёкарашини, тафаккурини, шакллантиради, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда уқишга интилиш хиссини уйготади. Бу таълим 3 ёшдан 6-7 ёшгача оилада, болалар богчасида ва мулк шаклидан катъи назар, бошка таълим муассасаларида олиб борилади. Мактабгача таълим тизимини модернизациялаш, такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини тугри ташкил этиш ва кулайлик яратиш максатида Давлат талаблари асосида «Болажон» таянч дастури, мактабгача таълим концепцияси ишлаб чикилди. Бугунги кунда республикамызда 5215 та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритиб келмок,да. Таълим-тарбия қ,анчалик эрта бошланса, унинг самараси хам шунга яраша булади.

Истеъдодли шоир ва донишманд Ювенал таъкидлаганидек: «Болаликка буюк х,урмат-эҳтиром билан караш лозим». Яъни болаликда олинган маънавий-ахлокий фазилатлар инсон фаровонлигининг хаёт фалсафасидир.

Умумий урта таълим. Умумий урта таълим босқичлари куйидагича:

Бошлангич таълим. (МУсинфлар);

Умумий урта таълим. (I-IX синфлар).

Бошлангич таълим умумий урта таълим олиш учун зарур булган саводхонлик, билим ва куникмапарини шакллантиришга каратилгандир.

Умумий урта таълим укувчи-ёшлар учун билимларнинг зарур захирасини беради. У мустакил фикрлашни, ташкилотчилик қобилиятини ва амалий тажриба куникмаларни шакллантиради.

Республикамизнинг халқ таълими тизимида 9779 та умумтаълим мактаби фаолият курсатмоқда. Улардан: 280 та умумтаълим мактабида таълим қорақалпоқ, тилида, 799 та умумтаълим мактабида таълим рус тилида, 472 та умумтаълим мактабида таълим қозоқ, тилида, 68 та умумтаълим мактабида таълим тожик тилида, 61 та умумтаълим мактабида таълим қирғиз тилида ва 46 та умумтаълим мактабида таълим туркман тилларида олиб қорилмоқда. Шу билан бирга, таълим ўзбек тилида олиб қорилган мактабларда ҳам қардош тилларга ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилган. Бу эса мамлакатимизда истикомат қилаётган қам сонли миллат вакилларига қаратилган юксак эътибор намунасидир. Таъкидлаш уринлики, мазкур умумтаълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини қамон талаблари асосида ташкил этиш учун қарча шароитлар яратилган. Хусусан, қарча синф укувчилари учун дарслиқлар, укув-методик қулланмалар етти тилда нашр этилмоқда. Мамлакатимизда 5 та педагогика институти фаолият юритмоқда.

Инсон қадри улугланган, манфаатлари устувор саналаган юрт да яшаш қинақам бахтдир. Шу маънода, қарх билан айтақизки, мамлакатимизда истеъдодли ёшлар эл-юртнинг энг қатта бойлиги, ишончи, таянчидир. Давлатимиз қарқари қобилиятли, истеъдодли ва қарқулудда талантли ёшларни қар томонлама қуллаб-қувватлаш, уларга қенг имтиёзлар ва имқониятларни яратиш мақсадида, қатор Фармонларни қикарди. Натижада истеъдодли ёшларни қарқатлантириш ва қуллаб-қувватлаш мақсадида 1999 йили Зулфия номидаги Давлат муқофоти, 2000 йили «Нихол» муқофоти, Президент стипендияси, шунингдек, Олий ва урта махсус таълим вазирилиги томонидан бақалаврлар учун муайян йуналишлар буйиқа Алишер Навоий, Улурбек, Беруний, Ибн Сино номидаги давлат стипендиялари жорий қилинди. «Ўзбекистон

маданияти ва санъати форуми» жамгармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази мунтазам равишда. угазиб келаятган турли тадбирлар, фестиваллар, ижодий кечалар ва таълим гранти танловлари ҳам иккидорли йигит-кизларимизни кашф этиш, уларнинг уз илмий-ижодий салохиятларини тулаконли руёбга чиқариш учун хизмат қилмоқда.

Ўзбекистан Республикаси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистан ёшларининг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, узини-узи бошқарадиган нодавлат, нотижорат ташкилоти. Ҳаракат 2001 йил 25-апрелда булиб утган таъсис қурултойи қарори билан ташкил топган. Таъсис қурултойида Ҳаракатнинг Дастури ва низоми қабул қилинган.

Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади Ўзбекистан ёшларини бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-кизларнинг ақл-заковати, қуч-ғайратини тула намоён этиш, жамиятда муносиб урин эгаллашлари учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат.

Ҳаракатда 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган Ўзбекистан фуқаролари аъзо бўлишлари мумкин. Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7-14 ёшгача бўлган укувчиларни бирлаштирган «Қамалак» болалар ташкилоти тузилган.

Ҳаракат Ёшлар муаммолари институти, «Янги аср авлоди», нашриёти матбаа марказини таъсис этган. Шунингдек, «Туркистон», «Молодежь Ўзбекистана» газеталари «Ёш қуч», «Сирли олам», «Синфдош», «Гунча», «Ёшлик» журналлари нашр этилади.

2008 йил 8 июлда «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш буйича 2009-2014 йилларга мулжалланган давлат дастури тугрисида»ги қарори қабул қилинди.

Юнон мутафаккири Арасту айтганидек: «Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа». Ҳа, инсон ёшлигиданок узлигини билса, аввало, уз қудратини, истеъдодини ишга солса, ташқи гаразли таъсирлардан ҳимояланади. Энг муҳими, бугун ана шундай ёшлар илм-фан кашфиётчисидир.

Юртимизда ёш авлодга курсатилаятган чексиз гамхурлик, меҳрибонлик юксак эътироф ва ибратга лойиқдир. Ўзбекистонда ҳаста ва ногирон болаларга таълим бериш муаммоларига етарлича қатта аҳдмият берилмоқда. Мамлакатимизда 90 та мактаб шундай болаларга таълим-тарбия беришга мулжалланган. Булар учун барча замонавий технологияга асосланган шарт-шароитлар муқаммал ташкил этилган.

Мактабда рухий хасталикларга чалинган болаларга ёрдам беришнинг энг самарали йули-эътиборли булиш, дустона муносабат ва чидамлилиқ, сабабини тушунтириш истаги ва бундай болаларга алохида ёндашишни топа билиш хисобланади.

Француз адиби Анри Барбюснинг шундай бир гапи бор: «Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устахонасидир, агар келажакни кулдан чикаришни истамасанг, мактабни кулда му стахам тутмогинг лозим». Зеро, мактаб маънавият ва маърифат маскани сифатида ёш авлодни замонга, истикдолга, улуг аждодларига муносиб килиб камол топтиришдан иборат.

**Урта махсус, касб-хунар таълими.** Укувчиларни касб-хунарга йуналтиришда умумтаълим мактаблари хамда урта махсус, касб-хунар таълими муассасалари хамкорлиги мухим ахамиятга эга. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалга оширилиши хамда «Таълим тугрисида»ги Конуннинг хаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда янги турдаги урта махсус, касб-хунар таълими тизимини яратди.

Урта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълимнинг мухим таркибий кисмидир. Хар бир йигит-киз мустакил хаётга кадам куйишда ана шу боскичда атрофлича етук билимга эга булиши билан бирга, муайян касбни хам эгаллайди. Шу билан биргалиқда, жамиятимизнинг кичик мутахассисларга булган талабини кондиришда унинг урни ва хизмати катта.

Утган йиллар давомида урта махсус, касб-хунар таълими сохасида узига хос бой тажриба тупланди. Тайёрланаётган кадрларнинг сифат курсаткичи яхшиланди. Ривожланаётган давр бугунги кунда жамиятимиз учун кандай касблар зарурлигини курсатиб турибди. Шуни хисобга олган холда, тизимда модернизациялаш давом этмокда. Ана шу изланишларнинг самараси сифатида бугунги кун талабига жавоб бермайдиган, талаб ва эhtiёж камайиб кетаётган айрим йуналишлар кискармокда. Замон талаби ва тадбиркорлик субъектлари этиёжига яраша янги йуналишларни очиш ва йулга куйишни Хаётнинг узи такозо этмокда.

**Академск лицей** - Узбекистон урта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги укув муддати уч йил булган, давлат таълим стандартига мувофик урта махсус маълумот берадиган, укувчиларнинг имкониятлари ва манфаатларини хисобга олган холда жадал интеллектуал ривожлантирувчи, чукурлаштирилган, ихтисослаштирилган, табакалаштирилган таълимни таъминловчи таълим муассасаси. Академик лицейлар асосан олий укув юртлари кошида

ташкил этилади.

Республикамизда 1396 та урта махсус, касб-хунар коллежи ва 141 та академик лицей фаолият юритмоқда. Мазкур билим масканларида 1.719.221 нафар укувчи ёшлар таълим олмоқда. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида эгалланган билим ва касб-хунар навбатдаги босқичини давом эттириш учун асос булади. Буларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилди. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида уқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар буйича меҳнат фаолияти билан шугуланиш ҳуқуқини беради. 2012-2013 укув йилида ун икки йиллик мажбурий таълимга тулик утилди.

**Олий таълим.** Олий таълим икки босқич тизимида зга. Олий профессионал таълим, одатда, 18 ёшдан бошланади.

Бакалаврият мутахассисликлар йуналиши буйича фундаментал ва амалий **билим** берадиган таълим муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастури тугалланганидан сунг битирувчиларга ДАК (давлат аттестация комиссияси) якуни билан касби буйича бакалавр даражасидаги диплом топширилади.

Магистратура аниқ, мутахассислик буйича фундаментал ва амалий **билим** берадиган бакалаврият негизида таълим муддати камида 2 йил давом этадиган олий таълимдир. Ундаги тахсил якуний квалификация давлт аттестацияси ва магистерлик диссертацияси ошкора химоя қилиш билан диплом берилди.

Магистр (лот-magister- бошлиқ мураббий, уқитувчи)- купгина хорижий мамлакатлар куп босқичли олий таълим тизимидаги иккинчи, урта (бакалавр ва фан доктори оралигидаги) илмий даража, университет ёки коллежни тугатган, бакалавр даражасига зга булган шахсларга бир-икки йиллик таълимдан сунг ва ошкора диплом химояси ёки магистрлик диссертациясини ёклагандан сунг берилди.

Буюк Британияда XII асрда илк университетлар ташкил топганидан буён олий укув юртлари битирувчиларига диплом бериш **маросимини** тантанали утказиш анъанага айланган. **Унда** Британиянинг хар бир университети ходимлари илмий даражаларни белгиловчи узига хос қийимлар қийишади. Бош қийими бир хил булгани билан, қийим рангларида илмий даражаларни белгиловчи фарклар мавжуд.

Мамлакатимизда истиклол шарофати туфайли 76 та олий таълим муассасасида 300 тагача мутахассислик буйича 230 мингдан зиёд талаба билим олмоқда. Олий таълим муассасаларида 22 минг профессор-уқитувчилар турли йуналишларда фаолият

юритишмоқда. Жумладан, 3 та Академия, 19 таси Университет, 38 таси институт, 1 таси консерватория, 2 таси олий мактаб (техника, миллий ракс) ва 8 та Республика чет эл олийгоҳдари филиаллари мавжуд. Булардан ташқари, бир неча махсус Олий харбий билим юртлари ҳам фаолият курсатмоқда.

Дунёнинг энг нуфузли ва *илгор* олий таълим мауссасалари тажрибаларидан андоза олган холда, юртимиз олий таълим тизимида сохани модернизициялашнинг самарали услуб ва воситалари, жумладан, олий таълимни ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш, унда энг илгор виртуал техника ҳамда технологиялардан фойдаланиш, таълимни интеллектуаллаштириш кабилар амапиётга кириб кела бошлади. Энг асосийси, илгари таълим жараёнининг султ таркибий қисми сифатида қараб келинган талаба эндиликда ушбу жараённинг энг фаол, талабчан ва ижодқор қисмига айланди.

Олий таълим тизимида, Ватанимиз талаба-ёшларининг ҳеч қимдан қам бўлмаган тарзда тарбия топишлари учун ҳамда энг илгор инновацион таълим технологиялари, муҳити ва инфратузилмаси билан таъминланиши асосида фаолият юритишлари учун барча зарурий қоралар қурилмоқда.

Таълим сифатини оширишда талабаларни компьютер ва ахборот-коммуникация воситалари, энг илгор андозалардаги укув-успубий мажмуалар, дарслиқлар ва амапий машғулотлар учун қулланмалар, электрон укув-тақдимот ва тарқатма материаллари билан таъминлашнинг замонавий ташқилий-техник базаси яратилмоқда.

Ўзбекистан Республикаси Президенти ташаббуси билан халқаро Вестминстер университети, Сингапур Менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, В.Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодёт академияси, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, М.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари ташқил этилди. Бу укув юртлари ҳам юртимиз учун малакали мутахассислар тайёрлашни уз олдиға мақсад қилиб қуйишган.

Таълим соҳасида олиб қорилаётган ислохотлар ёшларимизни хар томонлама етук шахслар қилиб шакллантиришнинг асосий омилидир. Бу эса мамлакат келажағи муштақам бўлишида ва дунё микёсида нуфузининг ошишида муҳим аҳамиятға эға.

Укувчи-талабаларни пок, ҳалол, жисмоний жихатдан эпчил, чакқон, довурак қилиб етиштиришда спорт алоҳида урин тутади. Спорт нафақат ёшларнинг жисмоний усишини таъминлайди, балқи

саломатлигини мустахамлайди ва уларнинг маънавий-ахлокий сифатларини ривожлантиришга хизмат килади.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га мувофик укувчи ва талабаларни оммавий равишда жисмоний тарбия ва спорт Харакатига жалб қилишга қаратилган спорт мусобақдаларининг уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Барқамол авлод», «Универсиада» спорт уйинлари ташкил этилди. Сир эмаски, санокли давлатлардагина бу даражадаги спорт мусобақалари утқазилади. Айнан уч босқичли спорт мусобақалари тизимини эса сайёрамизнинг бошқа бирор нуқтасида учратмайсиз. Бундай спорт тизими ёшларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини берди. Бу ҳаракатлардан қутилган натижа соғлом авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий шакллантиришдан иборат.

**Олий укув юртидан кейинги таълим.** Олий укув юртидан кейинги таълим жамиятнинг илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашга қарилгандир.

Олий укув юртидан кейинги таълим стажёр-тадқиқотчи-изланувчи (аспирантура) ва катта илмий ходим-изланувчилар (докторантура) адъюнтура, илмий тадқиқот муассасаларида фаолият юртишади. Бу жараён илмий диссертация химояси билан яқунланади. ОАК натижаларига қура, фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилади.

Олий малакали ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан утқазилган тизимини янада такомиллаштириш тугрисида 2012 йил 24 июль куни Ўзбекистан Республикаси Президентининг Фармони чиқди. Бунда 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб халқаро талаблар ва стандартларга мувофик диссертация химоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий укув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий эгилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва қуникмаларини жаҳон таълим ига мос янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги уқиш натижаларига қура, давлат томонидан тасдиқданган намунадаги диплом ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг асосий мақсади мутахассис малакасини ошириш, унинг ҳар томонлама етуқлигини ривожлантириш, рақабатбардош муҳитни яратиш, кадрларни замонавий педагогик технологиялардан хабардор этиш ва қуроллантиришдан, яъни уқитувчи юртимиз ва жаҳон фан оламидаги узғаришлардан, янгиликлардан орқада қолмаслиги учун, ақдий, ижодий солаҳиятини шакллантиришдан иборат. Республикамизда умумий урта таълим тизимида 16 та кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти фаолият юритмоқда.

**Мақтабдан ташқари таълим.** Мақтабдан ташқари таълим Ўзбекистан таълим тизимида жуда катта тармок, ҳисобланади. Дунёнинг бирорта давлатида бу соҳа биздаги каби аниқ мақсадли бир тизимга солинган эмас. Болалар ва усмирларнинг яққа тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, буш вақти ва дам олишини ташқил этиш учун, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданият-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йуналишларда мақтабдан ташқари таълим муассасаларини ташқил этишлари мумкин. Мақтабдан ташқари таълим муассасаларига болалар, усмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-усмирлар спорт мақтаблари, студиялар, ахборот-ресурс марказлари, ахборот-технологиялар марказлари, соғломлаштириш муассасалари ва бошқалар қиради. Мамлакатимизда 303 та мусика ва санъат мақтаблари, 432 та болалар ва усмирлар спорт мақтаблари, 211 та «Барқамол авлод» маркази фаолият юритмоқда. Шунингдек, 1200 дан ортик, болалар спорт иншоотлари, 61 та сузиш хавзаси, 124 та мақтаб спорт залида уқувчилар синфдан ва мақтабдан ташқари машғулотларда спорт билан мунтазам шугулланиши учун кенг шароитлар яратилган.

«Барқамол авлод» болалар марказлари халқ, таълими тизимининг таркибий қисми булиб, уларнинг асосий вазифаси уқувчи-ёшларнинг мақтабдан ва синфдан ташқари буш вақтларини мазмунли ташқил этиш, улар онгига миллий истиқлол гоьларини сингдириш, аждодларимизнинг қуп минг йиллик маданият меросини бугунги қун ютуқдари билан бойитиб, усиб келаётган ёш авлодга етказишдан иборат.

Тугарак-билимга тиргак. Таълим муассасаларида тугаракларни ташқил қилишдан асосий мақсад уқувчиларнинг дарсдан кейинги буш вақтларини мазмунли утказиш, қобилиятлари ва

интилишларини мақсадли ривожлантириш, назарий билимларини мустаҳкамлаш ва амалда куллаш қуникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Педагогика фанида буш вақт таълим-тарбиянинг узвий қисми сифатида қаралади. Чунки ёшларнинг буш вақти уларнинг маънавий, жисмоний ривожланишида, онги ва дунёқдрашининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Аммо айрим ҳолларда уқувчиларнинг мактабдан буш вақтларини ташкил этиш ёшларнинг узига ташлаб қуйилади. Бундай ёндашув эса айрим ёшлар орасида уни мазмунли уткази олмади. Энг ёмони, уларнинг салбий оқибатли муҳитга тушиб қолишлари натижасида, турлича қарашлар, ёт гояларнинг шаклланиши ва илдиз оқишига олиб қелиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари ҳар доим жамият таракқиётининг қузғуси, қишилар онги, дунёқараш, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий воситалардан бири бўлиб қелган.

Тинчлик барқарор юрtdа таракқиёт қуз оқиди ва юқсалади. Ҳозирги пайtdа оммавий ахборот қоммуникация воситалари юртимизда тез суратларда (қомпьютер, уяли телефон ва бошқалар) ривожланиб, ёшларнинг ҳаётига қуқур сингиб борапти. Улар уяли алоқа воситалари ёқи қомпьютердан бемалол фойдаланишга борапти. Бирок ёшларнинг жисмонан ҳамда руҳан ҳали ривожланиш босқичида бўлганлиги сабабли, бу воситалар уларнинг саломатлиги ва маънавий шаклланишига салбий таъсирлар қурсатиши ҳам мумкин. Мутахассисларнинг таъқидлашича, бир қунда 3-синф уқувчилари қомпьютердан етти дақиқа, 6-7-синф уқувчилари эса 25 дақиқагача фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, «Уяли телефонлардан фойдаланиш қоғидида санитар меъёрлар ва Қоидалар»га қура, 16 ёшгача бўлган болаларнинг бир марталиқ суҳбатининг давомийлиги икки дақиқадан ошмаслиги ва суҳбатлар орасидаги вақт қамиди 25 дақиқани ташкил этиши лозим. Уяли алоқа воситаларидан ҳаддан ортиқ қуп фойдаланиш болаларда ақдий ишлаш қобилятини қамайтириб, асабийлашишига олиб қелади, бош оғриги, дармонсизланиш қузатилади. Шу билан бирга, бундай воситалардан уринли фойдаланиш муоммоси ҳам қелиб қикди.

Президент И.А.Қаримов сузи билан айтганда, «Агарқи, биз бундай ҳатарларга қарши уз вақтида қатъият ва изқиллик билан қураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга Ҳам шиддат билан ёпирилиб қириши, ёшларимизни уз гирдобига тортиб қетиши, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги

бурчи ва маъсулятини уйламайдиган, факат бир кунлик хаёт билан яшайдиган хурсанд кимсаларга айланиб килиши мумкинлигини тасаввур килиш кийин эмас. Мана шу аччиқ хақиқатни юртимиздаги хар бир инсон, хар кайси ота-она, энг мухими, хар кайси йигит- киз чуқур англаб олишини истардим”.

Боланинг буш Вақти мазмунли ва мақсадли утказилса, маънавий дунёси бойиб, хар томонлама баркамол булиб вояга етади. Болаларнинг буш вақтини мазмунли утказиши тенденциясини социлогик тадқиқотлар ёрдамида урганган холда тақлиф ва мулохазалар бериш юртимизда амалга оширалаётган ёшлар сиёсатининг объектив суръатларда ривожланишига соҳа мутахассислари узининг муносиб хиссасини кушишлари лозим.

Истиклол йилларида уқитувчиларнинг мавқеини мустақамлаш, уларни моддий ва маънавий жихатдан хар томонлама рағбатлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқ таълими тизимида уз фаолияти билан бошқаларга намуна булаётган, таълим тараққиётига муносиб хисса кушаётган педагог ходимлар умумхалқ байрами сифатида юртимизда кенг нишонланадиган 1 октябрь-“Уқитувчилар ва мураббийлар куни хамда Мустақиллик байрамлари арафасида давлат муқофотлари билан мунтазам равишда тақдирланиб борилмоқда.

1992-2010 йиллар мобайнида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга кушган хиссалари ва фидокорона меҳнатлари учун 3352 нафар педагог ходим турли давлат муқофотлари билан тақдирланди. Жумладан, 6 нафари «Ўзбекистон қахрамони», 102 нафари «Эл-юрт хурмати», 503 нафари «Соғлом авлод учун», 256 нафари «Меҳнат шуҳрати», 346 нафари «Дустлик» хамда 21 нафари «Фидокорона хизматлари учун» орденлари билан тақдирланди. Шунингдек, ёш авлодни ақдан ва жисмонан баркамол килиб тарбиялашдаги меҳнатлари учун 304 нафар уқитувчи «Ўзбекистон халқ, уқитувчиси», 318 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган халқ, таълими ходими», 221 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган ёшлар мураббийси», 25 нафари «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» унвонлари хамда 1245 нафар уқитувчи «Шуҳрат», 5 нафари «Жасорат» медали билан тақдирланган. Булардан кузланган асосий мақсад уқитувчининг жамиятда тутган обриси ва нуфузини ошириш, моддий шароитини яхшилашдан иборат.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида хам таълим тизимининг хар томонлама раванқ, топиши учун бекиёс кулайликлар, имкониятлар яратиб бера олди. Бунинг учун давлат бюджетидан 10-12 фоиз миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Давлатнинг алоҳида эътибори ва амалий ёрдами туфайли, республикада таълим тизимининг барча босқичларида фарзандларимизнинг биздан ҳам кучли, билимли ва ақлли бўлиб камол топишлари учун кенг имкониятлар йули очилди. Пировардида, жамиятни интеллектуал ва маънавий жихатдан тараккий эттириш ҳамда баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилувчи самарапи узлуксиз таълим тизими яратилди.

Бугун Ўзбекистан таълимнинг турли йуналишларида илгор тадқиқотлар олиб бориш имконияти мавжуд бўлган илмий марказ ва бутун дунё эътирофига сазовор бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Қўллаб-қувватлаш ва етук олимлар иштирокида “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараккий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциянинг утқазилиши юртимиз таълим тизимини тубдан ва ҳар томонлама ислоҳ қилиш бўйича эришган ижобий натижаларимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан яна бир бор тан олинishi бўлди.

Мазкур халқаро тадбир давомида иштирокчилар бир қатор таълим масканларида бўлишиб, у ердаги укув жараёнлари, илгор педагогик технологиялар ва Ўзбекистон таълим тизимининг натижалари билан яқиндан танишдилар. Дунёнинг унлаб мамлакатларидан келган таълим соҳасидаги таниқди мутахассислар, нуфузли халқаро экспертлар ва таҳлилчилар, хорижий олий таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда профессорларидан тарқиб топган чет эллик меҳмонлар делегацияси Ўзбекистонда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун барча шарт-шароит яратилганига ишонч ҳосил қилди.

Меҳмонлар Ўзбекистоннинг юқори малакали кадрлар салоҳиятини муносиб баҳолаб, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш ҳар қандай мамлакатни барқарор тараккий эттириш ва модернизация қилишнинг асоси эканлиги ҳақида яқдил фикрга келдилар.

Хорижлик экспертларнинг айтишича, Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши ҳамда таълим соҳасидаги илгор ислохотлар натижасида эришилган ютуқар салмоқли бўлиб, мутахассисларнинг малакаси ва профессионаллик даражаси мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш имконини берди.

Шу боис улар Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги саъй-ҳаракатлари Тошкентни Марказий Осиё минтақасидаги таълим жараёнларининг асосий марказига айлантиришда жуда муҳим роль

уйнайди, дея ишонч билдирдилар.

Дархакикат, Узбекистоннинг таълим тизимида эришган улкан ютуқдари янги ва янада кенгуфқдарни амалётга жорий қилинаётгани ҳам эътиборлидир. Юртимиз Марказий Осиёда узига хос минтакавий таълим хаби (инглизчада educational hub) га айланди.

Таълим хаби (инглизчада educational hub) деганда, турли йуналишларда юкори сифатли билим берадиган ҳамда халқаро микёсда тан олинган таълим муассасалари фаолият юритадиган шаҳар, мамлакат ёки минтака тушунилади. Унда ҳам маҳаллий, ҳам хорижлик таҳсил олувчиларга билим берилади. Кенг маънода таълим хаби (educational hub) деганда, маҳаллий ва хорижлик таҳсил олувчиларни узига жалб қилиш, таълим соҳаси ривожини учун, маҳаллий ва хорижий инвестицияни киритиш, бутун дунё буйлаб шаҳслар ҳамда ташкилотлар уртасида гоьлар алмашишини раьбатлантириш, трансчегаравий таълим тизимини яратиш ва билимларга асосланган иктисодиёт (knowledge-based есопоту)ни куришдек стратегик максадларни амалга ошириш йулида бирга ишлайдиган таълим муассасалари, компаниялар, илмий-тадқиқот ва технологик марказларнинг тулик мажмуасини яратишга қаратилган аниқ, мамлакат тушунилади. Бой тарихий-маданий меросга эга булган мамлакатимиз таълим соҳасида салмокпи ютуқларга эришар экан, бу билан Марказий Осиёнинг янги минтакавий таълим хаби, юкори сифатли ва айна пайтда кулай таълим олишни хоҳдаганларга ёркин машъала булиши йулида катта салохиятга эга.

Баркамол ва соғлом авлодни маънан етук қилиб шакллантиришда қадим замондан жамиятнинг билимдон, зукко олимлари жалб этилган. Шахс камолоти жамият тараққиётини белгилашда ота- она ҳам муҳим роль уйнайди.

Ота-оналар педагогик жамоалар билан доимий равишда алоқаларини мустаҳкамлашлари, угил-қизларнинг уқиш ва тарбиясидан хабардор булиб туришлари айниса муҳимдир. Оилага хос қадриятлар, аъаналар, урф-одатлар оиланинг маънавий асосини тиклайди. Чунки фарзанд қалб гавҳари.

Замондошларимиз энг қуп тилга оладиган баркамол авлод- соғлом авлод деган ибораси замирида халқимизнинг барча ижобий сифатларини узида мужассам этган орзуси, фарзандалар тақдири, саъй-харакатлари ва ютуқдари ифодаси туради.

Соғлом авлоднинг тафаккури, билим ва иқтидори юрт истикболи билан боғлиқ, масаладир. Юртбошимиз бизни зафарли йулга бошлади. Давлат буюк келажигимизнинг хал қилувчи қучи- ёшларимизга илм

касрларини куриб берди. Бизнинг вазифаммз эса ана шу бебахо зиё масканларида Ватанимизнинг азиз фарзандларига муносиб тарзда таълим бериш учун мустахкам замин яратилди.

## **БАРКАМОЛ АВЛОД-ОБОД ЮРТ ТАЯНЧИ**

Истиклол шарофати билан нафакат таълим жараёнига, балки ёшларимизнинг тарбиясига ҳам катта эътибор қаратилди. Ватанимизнинг келажаги юксак сапохиятли ёшлар кулида. Келажаги буюк давлат куриш гоёси заминиди соғлом авлод камолоти ётади. Зеро, уқимишли, рухан бардам ва жисмонан бақувват, соғлом авлодгина истиқлол ва таракқиёт йулини босиб ута олади. Шу боис, уларни хар томонлама етук ва соғлом қилиб шакллантириш мамлакатимиз олдида турган энг долзарб масаладир.

Президентимиз «Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом насли, жисмоний бақувват, шу билан бирга, рухи, фикри соғлом, иймон-эътиқдди бутун, билими, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман», деб алоҳида таъқидлаб утганлар.

Дарҳақиқат, соғлом авлод тарбиясида хар бир инсондан, хар бир оиладан, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қилади.

Оиласиз мустахкам жамиятни ва давлатни тасаввур қилиб булмайдди. Шундай экан, баркамол авлодни вояга етказишда оиланинг маънавий-маърифий аҳамияти жуда катта. Чунки оила-маърифат бешиги, жамият таянчи, ядриси ҳисобланади. Кишида атрофдагиларга яхшилик қилиш, шу мақсадга эзгу ишларга интилиш ҳисси, аввало, оилада шаклланади. Унда ҳаёт асоси булган инсоний фазилатлар мужассамлашган. Оиладаги ижтимоий муҳит, таълим-тарбия самараси оила кургонининг мустахкам булишида эр-хотиннинг бир-бирлари билан ахил-инок, меҳр ва муҳаббатли, тотув яшашида муҳим урин тутади. Шу боисдан Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 266-сонли қарорига асосан хар бир оила курадиган йигит-қизлар албатта, тиббий куриқдан утиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси», Вазирлар Маҳкамасининг «Нигохланувчи шахсларни тиббий куриқдан утказиш тугрисида»ги Низом, Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустахкамлаш, соғлом бола турилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада қучайтириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тугрисида»ги Фармони ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул

килинди. Зеро, оила фаровонлиги халк, фаровонлигининг ажралмас бугинидир.

Дунё мамлакатлари оила иттифокидан ташкил топган. Оилани мустахкамлаш дунё микёсида бош масала даражасига кутарилган муаммолардан биридир. Оила ахиллиги ва мустахкамлигига эришиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1993 йил 20 сентябрдаги йигиштида 15 майни хар йили Халқаро оила куни сифатида нишонлаш тугрисида қарор қабул қилинди. Шундан буён бутун дунёда, жумладан юртимизда ҳам Халқаро оила куни нишонланиб келинмоқда. Хозирда мустақил юртимизда турли миллат вакилларига мансуб 7 миллиондан ортиқ оила тинч, фаровон, хотиржам ва ахилликда турмуш кечирмоқда.

Оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қургони булиб, унинг уз маърифий иқлими, узига ҳос қонуниятлари мавжуд. Юртбошимиз И.А.Қаримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан утқазилган тантанали йиғилишда сузлаган маърузаларида 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб аташни таклиф этди. Бунинг тағзаминида катта мазмун ва моҳият бор. Чунки ободонлик-эртанги фаровон қундан нишонандир, бу келажак сари қуйилган маркам тамал тошидир. Хар бир оилада ана шундай юксак рух ва баланд қайфият бор экан, бу нурли келажак ва ёруғ қунлардан даракдир. Чунки оиладаги ахиллик ва иноқлик мамлакатнинг мустахкам ва қучлилигидан далолат беради. Оиладаги обод турмуш, тинчлик ва осойишталик шу Ватандаги бахт-икбол, туқин-сочинлик ва юксак маънавият ва маданият қафолатидир.

Шарқ, мутафакқирларидан бирининг: «Қукнинг зийнати юлдузлар билан, ер юзининг зийнати эса олимлар билан» деган ҳикмати айни ҳақиқат. Ўзбек оиласидаги ана шундай улуг зийнатлардан бири одоб - ахлоқ, ҳисобланади.

Фарзанд тарбияси сезғирлик ва зийракликни талаб этади. Оилада қомил инсонлар вояга етади. Ота-она ахлоқли, илмли, доно бўлса, болалар, албатта, илм ва қомиллик йулига заҳматсиз қиради. Ота-онадан энг яхши маънавий-ахлоқий фазилатларни сингдириб олган бола, хар томонлама етук, дунёқдраши, тафакқури қенг бўлади. Чунончи, бу борада Алишер Навоий бобомизнинг оиласидан ибрат олсак бўлади. Унинг болалиги доимо яхши одамлар даврасида утган. Отаси Ғнёсиддин Муҳаммад ёш Алишерни уз уйига қелган фозилу доно қишилар даврасига қорлаган. Адабий муҳит боланинг қалбига езулик, самимийлик, одамийлик гурурини қадаган. Оила муҳитида қамол топган улуг мутафакқир Алишер Навоий ҳали болалик

пайтларидаёк, шеър ёза бошлаган ва мусикага ҳам ишки тушган. Оиладаги шундай давралардан бирида ёш Алишер машхур шоир Косим Анворийнинг газалини ёддан айтган. Мехмонлар боланинг зехни ва фаросатига лол колдириб, унга офаринлар айтишган.

Хондамирнинг ёзишича, шеърлари билан эндигина танила бошлаган Алишер уз даврининг улуг алломаси, шоири Мавлоно Лутфий хизматига боради. Мавлоно ундан шеър уқишни илтимос килади. Алишер узининг:

***Оразин ёпкоч, кузумдин сочилур хар лахза ёш,  
Буйлаким, пайдо булур юлдуз, нихон булгоч куюш,***

матлаъи билан бошланадиган газалини укийди. Лутфий жаноблари бу алангали газални эшитиши билан хайрат денгизига чумиб, шундай дейди: «Валлох, агар муяссар булсазди, узимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ун-ун икки минг байтимни шу газалга алмаштирардим ва буни узимнинг катта ютугим деб хисоблар эдим».

Хозирда мамлакатимизда Алишер Навоий номи билан минглаб куча ва хиёбонлар аталмоқда. Алишер Навоийнинг хаёти ва ижодини урганиш буйича 3600 та номзодлик ва докторлик ишлари химоя килинган. Япония, Россия ва Озарбойжан сингари давлатларда Алишер Навоий бобомизнинг хайкали кад ростлаган.

Аждодлардан бизгача етиб келган оила мустахкамлиги, равнаки, осойишталиги учун хизмат киладиган коидалар, тартиблар, удумларнинг бугунги кундалик хаётимизда ҳам мухим урни борки, бундан унумли фойдаланиш эзгуликка хизмат килади

Имом Бухорий ёшлигидаёк акл-идроки, зехни уткир ва маърифатга хаваси кучли булиб, турли илму фанларни, айникса, хадис илмини зур кизиқиш билан эгаллаган. Ун ёшида Куръони Каримни ёд олган.

Замондошларидан бирининг ёзишича, у уз билимини янада мукамал ошириш максатида, туксон нафар олимдан диний ва дунёвий сабоқларни урганади ҳамда ат-Термизий сингари етук шогирдларга устозлик килган.

Имом Бухорий Нишопур шаҳрида яшаб, мадрасада талабаларга хадис илмидан сабоқ; берган: Ат-Термизий билан унутилмас, кизгин бахслар утказган. «Мен сендан курган фойда сен мендан курган фойдадан ортирок», деб унга нисбатан чукур хурматини билдирган.

Хадис илмининг султони имом Бухорийнинг шогирди ва якин сафдоши ат-Термизий болалигидан зехинли, акл - заковатли, илмга интилувчан булган ҳамда хотирасининг гоятда кучлилиги билан уша давр уламолари ва олимларини лол колдирган. Араб тарихчиси

Шамсиддин аз-Захобий узининг «Тазкират ул- хуффоз» номли асарида бир воқеани ёзиб қолдирганлар.

Ат-Термизий Маккага ҳажга бораётганда йулда қуп муҳаддислар билан учрашиб, мулоқотда бўлади. Олимларнинг биридан ҳадислардан сабоқ, беришни илтимос қилганлар. У олим: «Булмаса, коғоз-калам ол», деган. Аксига олиб шу пайт ат-Термизий калам топа олмаган ва олим рупарасида утириб, эшитган ҳадисларини ёзиб олаётгандик қоғоз устида қулини ҳаракатлантираверган, Олим эса турли-туман ҳадислар келтиравериш, олтмишга яқинини ҳикоя қилган. Олим шу пайт коғозга қараб, унда ҳеч қандай ёзув бўлмай, уни тоза холда қурган ва ат-Термизийнинг бу ишидан жаҳди чиқади- да: «Нима, сен менинг вақтимни бекорга йукотмоқчимисан?»- деган. Шунда ат-Термизий яхши кунт билан сабоқ олаётганлигини айтиб, ҳозиргина олимдан эшитган ҳадисларининг ҳаммасини тартибли равишда бирин-кетин тугри айтиб берган. У ат-Термизийнинг қуввайи хофизасига тан бериб, қойил қолганини билдирган.

Ат-Термизий узларининг ҳаётлари ва фаолиятлари давомида «Ал-Жомий ас-сахих», «Шамоили Набавия», «Асмоъ ус-сахоба», «Ал-Асмоъ вал-қуно», «Китобул-илол» каби асарларни яратганлар.

Абу Райҳон Беруний 15 ёшида самони қузатиб, тадқиқ қилган. Беруний Христофор Колумбдан анча олдин океан ортида маълум китъа борлигини айтган, Галилейден 600 йил аввал ернинг айланлигини исботлаб ва изоҳлаб берган, биринчи бўлиб глобус яратган, ер билан ой уртасидаги масофани улчаган, қонуслар теоремасини француз олими Вентдан 500 йил олдин қашф этган.

Улур алломаларимизнинг илмга интилиши, эл-юртга хизмат қилиш борасидаги гузал аъналарини бугунги барқамол авлод вақиллари давом эттиришлари лозим. Бир суз билан айтганда, ёшларни илм-маърифатга йуллаш ҳаракатидан ҳеч қим четда турмаслиги керак.

Ҳар бир миллатнинг урганилиши лозим бўлган одоб-ахлоқ меъёрлари ва илму ҳунарлари бор. Ахлоқ ва одоб- инсоннинг қурқи ва зийнати, доноларнинг фазилатидир. Уларни пухта билиш шу даврда яшаб турган кишиларнинг бурчидир. Абдурауф Фитрат: «Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ- Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади, қаерда оила муносабати қучли интизом ва тартибга таянса, мамлакатда миллат ҳам шундай қучли ва тартибли бўлади», деган эди. Дарвоқе, ҳаётнинг асл моҳияти, маъносини англашда оила тинчлиги ва тотувлигининг урни юқсақдир.

Ватан истикболи, Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз

ва улур неъматки, хаёт йулларида огир ва машаккатли синовларда бизга хамиша куч-кувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади. Ватанни дилдан севган одам учун Ватандин ортик, бахт йук.

Оила-табаррук калъадир. Оила-Ватан бешиги. У маънавий-ахлокий жихатдан бутун булса, Ватан мустахкам булади. Мустахкам оилалардан ташкил топган мамлакат эса кудратлидир.

Келажаги буюк давлат куриш гоёси замирида мустахкам оила омили ётади. Мустахкамлик-ахиллик, фаровонлик, бир-бирига окибатли булиш ва меър хиссини камол топтиришдир. Бу миллий ва умуминсоний кадрийатлар, кадимий анъаналар, урф-одатлар тимсолидан ташкил топган.

Таъкидлаш керакки, Юртбошимизнинг бир неча йиллар мукаддам: «Фарзандларимиз биздан кура кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли булишлари шарт», деган пурмаъно сузлари ёшларимиз калбида учмас из колдирди. Уларни юсак доволарни забт этишга илхомлантирди, гайратига гайрат, шижоатига шижоат кушди. Юртимиз ёшларини бугун эзгу гоё ва улкан максадлар бирлаштирди, десак, муболага булмаиди.

Кишилик жамияти шакллангандан буён канчадан-канча таълимотлар, инсон камолоти учун зарур деб хисобланган фалсафий, илмий асосга эга булган йуриқномалар, тарбия коидалари вужудга келган. Ва уларнинг кай бирлари уз умрини яшаб утган ёки кайсиларидир хануз инсонлар учун хизмат килиб келмокда. Аммо бир хакикат бор бу дастурил-амалларнинг замирида, шаксиз, тарбия ётади.

Тарбия узи нима? Бугунги кун тарбиячиси, муаллими учун куйиладиган талаблар ва ижтимоий эхтиёжлар манбаси нима билан асосланади? Аввало, шу саволлар атрофида турилган айрим мулохазаларни келтириб утсак. Машхур ёзувчи Д.Дефо асари асосида суратга олинган Робинзон Крузо хакидаги фильмда жуда таъсирли, узига хос бурилиш нуктаси булган бир эпизод мавжуд.

Робинзон оролда ёлгиз колиб кетганлиги аён булгач, киргок, четига утириб, бир чумолини кузатади ва уз ташвиши билан юрган чумолининг устига эрмак учун бир сиким кум сепа бошлайди. Хар гал кум тагида долган чумоли кийналиб, бармоклари билан уриниб-суриниб, устидан кумни сокит килади, хаёт сари талпинаверади. Уни курган ёлгиз одам узига буюк хулоса чикаради ва хаёт учун курашга каттик бел боглайди. Натижада, инсонлик шаънига муносиб умрини мазмунли утказди. Ушбу мисолнинг мавзумизга дахли шуки, Робинзон, Арасту айтганидек, хаётдан сабок, олади. Чиндан хам бу фильм бир даре, инсон тарбияси учун зарур булган гоёларнинг бой

вокелик билан уйгунлашуви натижасида майдонга келган бир неча соатлик тарбия воситасидир.

Тарбиянинг туб илдизларига етиб бормоклик учун, инсон рухиятидан келиб чикадиган хулосаларга, аждодпар тажрибасига таянмокдик лозим.

VII аерда дастлаб Хиндистонда пайдо булиб, кейин Хитой, ундан сунг эса Японияга утиб, шу заминда илдиз отган Дзен таълимоти деб аталувчи, асосан, медитация-рухият машкларига асосланган тарбия мактаби мавжуддир. Ана шу таълимотда ҳам худди узимизнинг Шарк, ахлокий таълимотларида булганидек, ибратли хикоятлар, ривоятлар баёни ёрдамида ёш авлодни тарбиялашга, уларнинг комил инсон булишига жиддий эътибор каратилгандир. Бундаги бир хикоятда келтирилишича, бир куни Дзен муаллими Кирк, нафар талабага медиатациядан сабок, берар эди. Даре пайтида бир неча талаба бошка бир талабанинг угирлик килганини айтиб, устоздан уни жазолашни сурашди. Устоз бир муддат жим турди- да шогирдларидан жойларига утиришларини суради, сунг эса, гуё хеч нима эшитмагандек, дарсни келган жойидан давом эттиради. Орадан бир хафта утди. Халиги угирлик килган талабани тенгдошлари яна шундай ахволда кулга туширишади. Даре пайти эди. Улар яна устозга вокеани айтишиб, бир неча гувохлар ҳам курсатдилар. Устоз яна аввалги усулни куллади, уларга эътибор килмай, дарсни давом эттираверди. Маълум вақт утгач, уша ёкимсиз холат учинчи марта яна такрорланди. Айбдор яна уша йигитча булиб, у боз угирлик килган эди. Бу сафар ҳам мурожаатлари жавобсиз колган талабаларнинг токати ток, булди ва устозга шундай шарт куйдилар: агар устоз угрини жазолаб, дарсдан чикариб юбормаса, биз, уттиз туккиз нафар талаба дарсни бутунлай тарк этамиз.

Шунда устоз уларга куйидагича жавоб килди:

- Сизлар барчангиз яхшилик ва ёмонликни бир-биридан фарклай оласизлар. Угирлик ёмон иллат эканини тушунасизлар. Аммо хдпи яхши ва ёмонни бир-биридан ажрата олмайдиган, ак,ли пешланмаган талабани мен кучага к,уйиб юборолмайман. Хаммангиз дарсни тарк этсангиз ҳам, у мен билан қдлади. Зеро, менинг асосий вазифам тарбиясизни маънан тарбиялашдир.

Устознинг бу сузидан каттик, таъсирланган айбдор талаба Хамманинг куз унгида йиглаб, айбини тан олди ва бу ишни бошка такрорламасликка суз берди. Ростдан ҳам, у бошка угирлик килмай кетди. Бир марта ваъда берди ва бажарди. Шундай экан, жахон халк, орзаки ижодидан тарбия сохасида фойдаланиш яхши самара беради.

Хар бир халк, ва хар бир жамиятнинг узига хос маънавий- ахлокий тарбия тизими булади. Уз устида маънавий-ахлокий тарбияни олиб бормаган миллат келажagini бой беришга махкумдир. Маънавий-ахлокий тарбия чуқур маъноли тушунча, унинг кулами кенг. Маънавий тарбияда адабиёт, санъат турлари, тарихий анъаналар, миллий кадриятлар, ахлоқ,-одоб тушунчалари, халкнинг узига хос хусусиятлари, албатта, хисобга олинади. Хеч бир авлод миллий маънавиятни янгидан яратмайди, балки уз аждодлари томонидан яратилган маънавий бойликларни мерос килиб олади ва бойитиб боради.

Укитувчилар уртасида узаро тажриба алмашиш ва малака оширишга йуналтирилган «Устоз-шогирд» тизими жорий этилганлиги хам педагог кадрлар салохиятини ошириш, уз устида доимий ишлашга шароит яратди. Табиийки, таълим даргохига ишга келган ёш мутахассис уз сохаси буйича тажрибали ва малакали устозлар кумагига эhtiёж сезади. «Устоз-шогирд» мактаби эса ёш укитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириб бориш йулидаги самарали, узига хос тизимдир.

Ёш авлодни миллий истиклол госяи рухида тарбиялашда, менталитетимизга ғов булган оммавий маданият, одам савдоси, гиёхвандлик ва бошка хар кандай зарарли оким ва хатарларга нисбатан сергак ва хушёр туришимиз бугунги кунда долзарб ахамиятга эга. Ёшлар камолотида салбий иллатларга карши курашда оила, махалла, мактаб ва жамоатчилик хамкорлигида хам хикмат куп.

Халкимиз “Куш уясида курганини килади” деган нақд бор. Келажакимиз умиди ва ишончи булган фарзандларимиз шу муътабар даргохда камол топади. Демак, келажак авлоднинг порлок; истикболи учун кайгуриш хар бир ота-онадан катта маъсулят ва фидойилик талаб этади.

Огохлик, хушёрлик, сезгирлик-давр талаби. Хар биримиз хаётга очик куз билан караб, тиник, акл билан мушохада юритсаккина, боши берк кучага кириб колишдан сакланган, кадриимизни, анъанамизни асраган буламиз. Айникса, Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий гося тарриботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тургисида”ги хаётбахш карори фаолиятимизда асосий роль уйнайди.

«Оммавий маданият» атамаси утган асрнинг иккинчи ярмидан куллана бошлаган булса-да, унинг тарихий илдизлари узок, асрларга бориб такалади. Оммавий маданият таркалиши макон ва замонда турлича кечган. Инчунун, кадим замонларда кам оммавий

маданиятни таркатиш билан савдогарлар, сайёҳлар, олимлар ва баъзи холларда бу маданият таригиботи боскинчилик йули билан узга юртларда мажбурий жорий этилган.

Шаркий Европада «Гот», «Эмо кизлар» деб ном олган оким пайдо булди. Улар бошқалардан ажралиб туриш, шайтонга хизмат килаётганларини англатиш мақсадида, асосан, чарм махсулотидан тайёрланган, кора рангли кийимлар кийишни, сочларини, тирноқдарини ва кош-ковокдарини кам кора рангга буяб юришни одат килишди. Готчиларнинг бизга олиб келган турфа либослари куйидагича: тор шим кийиш, тирноқларни коп-кора рангга буяб юриш, кизларнинг сочларини калта килиб кесишлари ва кора рангга буяб юришларини одатлантормокчи. Шунингдек, Эмо гурухи вакилларининг бизга олиб келган модалари куйидагилар: соч улаш ва сочларни хар хил оч (яшил, пушти) рангларга буяш, оч рангли косметикадан фойдаланиш, рок мусикаларининг енгилларни тинглаш кабилардан иборат. Бу эса мамлакат келажаги булмиш ёшлар онгини захарлашга каратилган. Демак, бугунги кунда кизларни эъзозлаш-келажакни эъзозлаш демақдир.

Маънавият борасида амалга оширилаётган тадбирлар, шубхасиз миллий ва умуминсоний кадрийатлар муштарақлиги уз навбатида, миллий кадрийатларимизнинг узига хос хусусиятларини англаб этиш билан диалектик алоқадор. Шу боис, аждодлар ва авлодларимиздан мерос булиб колган, замонлар синовидан муваффақияли утган илгор миллий кадрийатларимизни тиклаш, асраб-авайпаш, унга янги мазмун, янги маъно ато этиш фукаровий жамият куриш ишини жадаллаштириш, мустикаллимизни мустикаллашнинг энг мухим шартидир.

Утган асрнинг бошларида яшаган Махмудхужа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Кодирий, Чулпон каби маърифатпарвар зиёлилар баркамол авлодни тарбиялашининг ягона чораси оила асосларини тугри куриш эканини, оилани мустикаллашдан жамият тараккиётига эришиб булмаслигини таъкидлаганлар.

Севги бу жуда нафис ва нозик туйгу. Абдулла Кодирийнинг «Утган кунлар» ва «Мехробдан чаён» асарларидаги Отабек ва Анваржонлар бугунги кизларимиз бахтининг идеали булса, Кумуш ва Раънолардаги Шарк, аёлларига хос ифбат ва латофат, бокиралик, хаёлилик, вафодорлик, севган кишисини эъзозлаш каби хислатлар эгаси булган Кизларимиз-йигитларимизнинг орзуси ва ниятидир. «Мехробдан чаён» романидаги Анвар ва Раъноларнинг шеърий ёзишмаларига эътибор берайлик.

Анвар:

***Агар Фарходнинг Ширини, булса Мажнунларнинг Лайлоси,***

***Насиб булмиш менга гулшан аро гулларнинг Раъноси.***

Мазмуни: Фарходга Ширин, Мажнунга Лайло насиб килган булса, барча гузал кизларни бир гулшанга йигсак, шу кизларнинг сараси, яъни раъноси менга насиб килди,-деб уз калб тугёнларини, бахтидан ниҳоятда мамнунлигини зиёлиларга хос ута нозик эътироф оркали етказди.

Раъно:

***Мухаббат жомидан нуш айлаган ақди зако булмиш,***  
***Фунуний тибда мажнундир кишининг куйса сафроси.***

Мазмуни: Мухаббат сеҳрининг самимий туйрулари тулдирилган табокдан бахра олган инсоннинг акли теран, тафаккури кучли булади. Бундай маънавий озукадан бахраманд булган киши ҳеч қачон телба (мажнун) булмайди. Табобат илмидан маълумки, кишининг сафроси куйсагина, у телба булиши мумкин.

Абдулла Кодирийнинг асарларидан ёшларимизни узаро мухаббат ва меҳрибонлик каби миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда уринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Яна шуни айтиш керакки, ёш авлод тарбиясида мумтоз адабиёт намуналари билан бир қаторда, ҳозирги замонавий адабиёт вакиллари асарларидан, жумладан, маҳаллий шоир ва ёзувчилар ижодкорларга ҳам кенг фойдаланиш даркор. Сурхон замини азалий ижодкорларга бешик булган юрт. Хассос шоирлар, ёзувчилар сузларини маржондай териб, кукрак тутган азалий фидойилар ва ватанпарварлар масқандир. Масалан, Сурхондарё вилояти умумтаълим мактабларида Болтажон Содиков, Болта Ёриев, Хуррам Раимов, Абдимумин Жумаев, Олланазар Улугов, Нарзулла Орифий каби маҳаллий ижодкорларнинг болалар учун ёзган асарлари кизикарлилик, янгилик беради. Чунончи, Болта Ёриевнинг «Сайланма» асарлари 1-жилдида болаларга аталган шеърлари алоҳида қисмда берилган. Бу шеърлар болаларни юртсеварлик, табиатсеварлик, одоб-ахлоқлилик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўзбек халқи азалдан Шарқ миллат ва златлари орасида уз тарихий ва миллий қадриятларига эга. Қанчадан-қанча босқинчилар миллатимизнинг эгилмаган бошини эгишни, тоғлардан ҳам баланд гурурини поймол қилишни, узок тарихий минг йиллардан садо бергувчи миллий қадриятларимизни оёқ ости қилмокчи булишди, шунга уринишди, лекин ниятларига ета олмадилар. Чунки бизда оила

мукаддас, миллат кадрлидир. Бизнинг халкимизда меҳр- окибат, хаё-иффат, андиша, миллийликка садокат кучлидир.

**XXI аср** ахборот технологиялари асридир. Бугунги кунда ахборот туплаш, уни қайта ишлаш ва узатиш жараёни жадаллашиб бормоқда.

Чунки интернет, телевидение, радио, видео, телефон алоқалари жуда тез ва жадаллик билан ривожланмоқда. Улар орқали тарқатилаётган ва эфирга узатилаётган ранг-баранг курсатув ва эшиттиришлар турли тоифадаги кишилар, айниқра, ёшларга манзур бўлмоқда. Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари катта куч. Улар жамият, давлат ва халқ уртасидаги маънавий куприк.

Юртимизда газета, журнал, ахборотнома-бюллетень, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби, жами 7 турдаги оммавий ахборот воситаси, руйхатга олинган. Улар Ўзбекистонда яшаётган миллатларнинг 7 тилида сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, спорт каби 20 тадан ортиқ ихтисосликлар буйича фаолият олиб бормоқда.

Республикаимизда 2012 йил 1 апрель, ҳолатига кура, руйхатга олинган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1254 тани ташкил этади. Улардан 706 таси газета, 255 таси Журнал, 16 таси ахборотнома-бюллетень, 4 таси ахборот агентлиги, 64 телевидение, 36 радио, 173 та веб-сайтлар мавжуд. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлақатида 28 та йуналиш буйича туфидан-турри чиқадиган халқаро тармоқларга эга. Фақат эзгу ниётларда, яхши амаллар учун оммавий ахборот воситапаридан мақсадли фойдапанишимиз керак.

Мамлакатимиз тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситаларига мустақиллик йилларидагидек эътибор берилмаган. Матбуот ҳеч бир замонда ҳозиргидек чинакам миллийлик касб этмаган. Бугун Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари мустақил ватанимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият уртасидаги ҳолис воситаси сифатида фаолият юритиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тугрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тугрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тугрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари тугрисида”ги Қонунлари, “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қушимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тугрисида”ги қарари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ахборот хуружлари жуда катта маблағни, қушин сакланиши ва

замонавий курул-яроғлар сотиб олишни талаб қилмайди. АКШнинг собик президенти Ж. Картер: «Тарғиботга сарфланган бир доллар курулланишга сарфланган 10 доллардан самаралироқ», деб бежиз таъқидланмаган. Хозирги даврда сунъий йулдош ахборот узатишнинг энг қулай воситаси булиб қирди. Катта маблаг талаб этиладиган сунъий йулдошга ҳамма давлат ҳам эгалик қилолмайди. Шу боис ҳам фазога учирилган сунъий йулдошлар бир нечта давлатга қарашлидир. АКШ 30 та, Япония 21 та, Россия 21 та; Хитой 9 та, Хиндистон 9 та сунъий йулдошга эга.

Телеканалларда намойиш этилаётган ва минглаб видео кассета, лазер дисклари воситасида тарқатилаётган жангари фильмларда яшаш учун кураш гоёси тарғиб этилади. Масалан, шундай телеканалларда кун давомида намойиш қилинган фильмларда биз 160 та муштлашув, 202 та котиллик, 6 та угирлик, 10 та зурлаш, 66 та ичкиликбозлик сахналарини кузатдик. Уларнинг ҳеч қандай тарбиявий аҳамияти йўқ. Уларнинг жозибаси қунгил очар уйинларга меҳр қуйиши ва қизиқши, ута қучли, лекин бу меҳр қуйиш маънавий манкуртликка олиб келади. Шу боис, мамлакатнинг порлоқ, келажаги булган ёшларни ахборот хавфсизлигини таъминлаш орқали миллатимизга ёт, бегона кадриятлардан ва салбий гоёлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз шарт ва зарур. Чунки ёшлар келажагимиз, эртанги қунимиз эгалари ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, миллий истиқлол маънавий-ахлоқий фазилатларимизнинг янгилашишига ва интеллектуал бойлигимизнинг қупайишига олиб келди. Шу жиҳатдан инсоннинг илм-заковати битмас-туганмас ҳазинага айланди. Мана шу илм камарини боғлаб олган кадам ташлашимиз бизнинг олдимизга янги, улкан вазифаларни қуйди.

## **ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРНИ КУЛЛАШ**

Инсоният ҳаёти узлуксиз равишда изланиш ва қамолот сари интилиши билан тараккиётга юз тутди. Мамлакатимизнинг ҳозирги қундаги ривожланиш йули ҳам ана шу натижалар асосига юксалмоқда. Дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қушилиши Ҳар бир соҳа ислохотлари қузғусида уз ишботини топаётганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир. Зотан, таълим соҳасига чет эл тажрибасинингтез суратларда қириб қелиши замонавий педагогик технологиялар ривожини қелтириб қикармоқда.

Узлуксиз таълимнинг фаолият қурсатиш тамойилларидан бири

таълимнинг устуворлиги, унинг ривожланишининг биринчи даражали ахамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузидир.

Замонавий интерфаол усуллар уқитишнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. XX аср охири-XXI аср бошларида таълимнинг «интерфаол усуллари» деган ибора педагогик адабиётларда кенг ишлатила бошланди. Интер англиз тилидаги «интер» ута маъносидаги олд қушимчасидан иборат булиб, у том маънода узаро таъсир, йуналганлик маъносини англатади. Демак, интерфаол дегани фаол таълим усулидир. Интерфаол ёндашув таълим иштирокчилари фаолиятининг самарадорлигига кафолатли эришиш мезонидир. Педагогик технология ва интерфаол усулларда олдиндан белгиланган асосий макрадга эришиш боскичма-боскич амалга оширилиб, хар бир боскичда бажарилиши лозим булган вазифапар ва талаб килинадиган воситапар хамда усулларнинг аник модуллари хосил килинади.

Таълим-тарбия жараёни ва касбий тайёргарлик тизимини лойихалаш, машгулотларни утказишга тизимли ёндашиш, уқитиш тизимининг барча асосий жихатларини, максadini аниклаш ва таълим жараёнини ривожпантиришдан тортиб, то янги уқитиш тизимининг самарадорлигига эришиш, уни синовдан утказиш ва оммалаштиришгача булган жараённи уз ичига олади.

Педагогик технология ва интерфаол усуллар ёрдамида дарс утилганда, таълим жараёнини доимий ва тулик назорат килиш имконияти яратилади. Интерфаол усуллар давлат таълим стандартларига эришишни кафолатлайди ва талаб килинган вахт, куч хамда воситаларни меъёрий даражасида саклайди. Юукоридаги максadларни амалга оширишда таълим технологияларидан фойдаланиш оркали кузланган натижаларга эришиш мумкин.

### **«ЭРКИН ХАТ»**

Беш дакика давомида урганилаётган муаммо туфисида талаба узига маълум булган барча фикрларни ёзади. Беш дакикадан кейин эркин хат тарзида ёзилган фикрлар талаба томонидан уқиб эшиттирилади. Кейинчаник маъруза давомида талаба олдинги тажрибаси ва янги узлаштирган билимларини таккослайди, тахлил килади.

### **«САВОЛЛАР КУТИЧАСИ»**

Биринчи боскич-уқувчилардан кичик когозларга урганилаётган муаммо билан ботик саволларни ёзиб, тайёрлаб куйишларни илтимос килинг. Бунда уқувчилар дарс мавзусидан келиб чикиб, узлари билган

ёки билмаган саволларни коғозларга ёзадилар.

Иккинчи боскич-саволлар ёзиб, тайёрлаб қуйилган коғозлар букланиб, кичик қутичага жойлаштирилади ва аралаштирилади.

Учинчи боскич-қутича ичидаги саволлар қайтадан укувчиларга тақдим қилинади. Бир неча укувчи қутича ичидан ихтиёрий равишда биттадан савол танлаб олади.

Туртинчи боскич-саволни тортиб олган укувчи уни овоз чиқариб уқийди ва уз билими, тайёргарлик даражасидан келиб чиққан ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилади. Агар саволни тортиб олган укувчи жавоб беришда қийналса, мунозарага бошқа укувчилар ҳам жалб қилинади. Уқитувчи ҳар бир укувчининг жавобини диққат билан тинглаб, айрим ноаниқликларни илмий амалий нуқтаи назардан тулдириб боради.

Сиз урганилаётган муаммо юзасидан нималарни биласиз?	Нималарни билишни хоҳлар эдингиз?	Нималарни билиб олдингиз?

Биринчи ва иккинчи устунлар машғулотнинг чакирув боскичида тулдирилади. Укувчилар мавзу буйича нималарни билишлари ва яна қандай маълумотларни билиб олишлари мумкинлиги туфисида фикрлайдилар. Жадвалнинг учинчи устуниси эса машғулоти якунида тулдирилади.

яна қандай маълумотларни билиб олишлари мумкинлиги туғрисида фикрлайдилар. Жадвалнинг учинчи устуниси эса маршрут якунида тулдирилади.

### «АКЛИЙ ХУЖУМ»

Аклий ҳужум фаол фикрлаш ва ҳаракат қилиш қуникмасини пайдо қилади. Кейинги пайтлар мия иш фаолиятининг фойдали иш коэффициентини оширишга муваффақланган турли хил методлар ишлаб чиқилмоқда. Ваҳоланки, мутахассисларнинг фикрича, мианинг бор-йўғи 7 фоизигина ишлар экан, ҳолос. Мия фаолиятини фаоллаштирадиган таълим усулларига ижтимоий-психологик тренинг, синектика, аутоген машқ, морфологик таҳлил, ролли уйин, аклий ҳужум ва бошқалар қиради.

Аклий ҳужум- «брейнсторминг» (brain storming) инглизча суздан олинган бўлиб, фаол таълимнинг, бошқарувнинг ва тадқиқотнинг

методларидан бири хисобланади. Бу метод аклий фаолликни оширади, ижодий ва инновацион жараёнларни жадаллаштиради. Бу методнинг пайдо булиши иккинчи жаҳон урушида Япон денгизда хизмат килган америкалик мутахассис А.Осборн фаолияти билан боғлиқ. А.Осборн томонидан ҳарбий кемани қандай қилиб торпедалардан ҳимоя қилиш мумкинлиги масаласида кема кенгаши утказилди. Кенгаш қоидага кура, ҳамма-юнгадан тортиб, капитангача қар қандай, ҳатто ҳаёлий ва амалга ошириб бўлмайдиган гоёларни ҳам айтаверса буларди. Ҳар қандай таклифлар ёзилиб борилди. Матрослардан бири шундай фикрни илгари сурди: «Торпедани сезиб қолсам, мен бутун командани бортга тизардим-да, торпедага қараб пуфлашни буюрардим». Рояни эшитиб, ҳамма қулиб юборди.

Ҳатто шу гоёл ҳам ёзилди. Муҳокама пайтида бу гоёл қайтадан ишлаб чиқилди ва сувнинг қучли оқимидан фойдаланишга қарор қилинди.

50-йилларнинг охирига келиб америкалик психолог А. Осборн узи ишлаётган университетда аклий ҳужум методини қутулмаган гоёл ва таклифлар туплаш ва мураккаб бўлган масалаларни ечиш усули сифатида тарғиб қила бошлади.

Ижодий фаолликнинг ва маҳсулдорликнинг стимулятори Хисобланган аклий ҳужум методи, асосан, янги оригинал фикрларнинг тугилишига қаршилик қурсатувчи танқидий муҳитнинг йўқлиги деб аталган психологик механизмга таянади. Бундай муҳитда ҳеч қандай фикр танқид қилинмайди, нотўғри фикр айтишдан қурқилмайди, ҳеч қимнинг устидан қулинмайди. Шундай қилиб, аклий ҳужум методи АКШда, Англияда, 70-йиллардан бошлаб Россияда, 90-йиллардан бошлаб эса Ўзбекистонда ишлатила бошланди.

#### **Аклий ҳужумнинг утказилиш технологияси**

Аклий ҳужум методини утказувчи киши маълум муаммони илгари суради ва иштирокчилардан бу муаммони ҳал қилиш бўйича қандай мулоҳазалари борлигини суради ҳамда уларни энг қутилмаган фикрларни ҳам илгари суришга ундайди. Методни утказувчи киши барча фикрларни ёзиб боради.

Шу уринда айтилаётган фикрларга нисбатан танқидий муносабат билдирилмайди ва фикрлар охиригача, сунгиси айтилгунгача ечиб борилаверади.

Аклий ҳужум методини утказишдан қўзланган мақсадлар қуйидагилар:

- муаммони ҳал қилиш учун гоёлларни чиқариш;
- гоёлларни уларнинг аҳамиятига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малақасини шакллантириш;

- кутилмаган гояларнинг пайдо булиш жараёнини намойиш Килиш;
- топилган гоялардан фойдаланиш куникмасини шаклантириш.

Ижод психологиясида таъкидланадики, гояларни ишлаб-чикиш жараёнида танкидий фикрлар бу жараённи секинлаштиради, хатто энг кучли гоялар ҳам танкидчиларга каршилиқ курсатишга ожизлик Килиш и мумкин.

Шунинг учун ҳам аклий хужумда куйидаги коидаларга амал Килинади;

1. Гояларнинг илгари сурилиши боскичида танкид (хатто хазил) мутлако такикланади.

2. Оригинал ва фантастик гоялар рагбатлантирилади.

3. Барча гоялар ёзиб борилади, аудио ёки видеоплёнкада кайд килинади.

4. Агар маъкул топишса, муаллифнинг узи ҳам ёзиб бориши мумкин.

5. Аклий хужум методи катнашчиларининг хаммаси юридик ва административ жихатдан мутлако бир-бири билан боглиқ булмаслиги зарур.

6. Тахлилчилар гурухи нисбатан самарали гояларни тахдил Килади, синтез килади, бахолайди ва танлайди.

Аклий хужум методи беш боскичдан иборат булиб, куйида уларнинг хар бирига алохида-алохида тухталиб утамиз.

#### **Аклий хужум методига кириш**

Юксак даражадаги аклий ва ижодий харакатни талаб кутадиган аклий хужум методини утказишдан олдин методни утказувчи катнашчилар учун етарли даражадаги кулай ташки мухитни яратиш лозим булади улар кулай жойга утказилади, хона шамоллатилади, сокин мусикадан фойдаланилади, гояларнинг генераторларига кофе ёки салкин ичимликлар улашилади в а хоказо. Катнашчиларнинг аклий ва эмоционал холатини кутариш учун аклий хужум рахбари етарли даражада эркин ва демократик холда аудитория билан муомала киладиган булмоги лозим. Акдий толикишни оладиган психологик машкларни утказиш мумкин. Масалан, махсус билимлар талаб килинмайдиган масала ёки вазиятларни ечиш мумкин.

Шундан кейин аклий хужум методини утказишнинг бевосита шартларига утиш мумкин булади. Экранда:

- максадлар;
- режа;
- коидалар акс эттирилади.

Бу тадбирларни амалга оширишга 10 дакикагача вақт талаб килинади.

### **Аклий хужум методинииг девизини танлаш**

Иложи борича., аклий хужумнинг девизидан (шиор) фойдаланган маъкул. Чунки айнан шу девиз мутахассислар командасини гоёларнинг тезлик билан тугилишига жалб килади. Методни утказувчи киши экранда бир канча девизларнинг вариантларини тавсия килади. Масалан:

1. Биз масалани ечамиз ва муаммолар колмайди!
2. Муаммо ута мураккаб , биз уни хал киламиз!
3. Хар кандай муаммо ягона тугри ечимга эга. Агар биз? уни тополмасак дахшат булади!
4. Хал килинмаган муаммо асабни таранглаштиради, кайфиятни туширади, виждонни кийнайди.

### **Муаммони куйиш ва уни тушунтириш**

Бу боскичда асосий роль методни утказувчи кишига боглик, булади. У ташкилотчи ва ижодкор булмоги лозим. Олдинига у аклий хужум иштирокчиларига бир канча муаммолардан бирини танлашни таклиф килади. Шу билан биргаликда, танланган муаммо мутахассис-катнашчилар учун долзарб, таниш, кизикарли булмоги лозим. Агар бу педагогик муаммо булса, унда, масалан, укув жараёнини фаоллаштириш муаммосини урганиш мумкин. Шунда муаммони куйидагича куйиш мақсадга мувофиқ;:

1. Укувчиларни фаоллаштириш муаммолари.
2. Фаоллаштириш зарурияти масалалари.
3. Укувчиларни нима учун фаоллаштириш зарур?
4. Укувчиларни фаоллаштириш психологияси.

Муаммо шаклланиши ва қабул килиниши учун куйидагиларни инобатга олган холда муаммонинг умумий тахлилини амалга ошириш зарур булади:

- муаммонинг мураккаблиги нимадалиги;
- карорнинг бажарилиш имконияти;
- муаммонинг минуслари ва плюслари;
- мураккаб саволларнинг аниқданиши;
- муаммонинг таснифи, яъни маълум бир шаклга апокадорлиги;
- ноаниклик даражаси ва х.к.

Муаммонинг бундай тахдили муаммо хақида тингловчиларда тасаввур пайдо килади ва тингловчилар муаммони хал килиш йулларини топишда кийналишмайди.

### **Генерация-разведка боскичи**

Шундай килиб, аклий хужум методини утказиш бошланади. Дастлаб

гоялар яратилишининг эксперимент боскичи бошланади.

Методни утказувчи киши илк гояларни илгари суради, коидаларни катъий назорат килади, айникса. танкидга тааллуқлисига алоҳида эътибор беради. Уз гояларини генераторлар иловадаги жадвалга мос холда тулдиради. Бу жараён 5-7 дақиқалар давом этади.

#### **Бевосита генерация боскичи**

Генерация-разведка боскичи секин-аста бевосита генерация боскичига утади. Бунда энди хар бир иштирокчи узининг оригинал гоясини илгари суради. Махсус ассистент гояларни кандай айтилаётган булса, шундайлигича, хеч кандай изоҳриз ёзиб боради.

Агар методни утказувчи иштирокчиларнинг янги гояларни илгари сурмай куяётганини сезиб колса, уларни олдинги фикрларнинг аксини айтишга чорлаши керак булади. Шунда уларда иккинчи нафас йули очилади.

Бу боскичнинг сунгида (бу боскич 20-30 дақиқалар давом этади) рахбар барчага ақлий хужумда катнашганликлари учун миннатдорчилик билдиради.

Муаммони хал қилиш буйича сизнинг гояларингиз.	Роянинг янгилиги нимада? Кутилаётган қийинчиликлар, узига хос хусусиятлар, бажаришнинг таклиф қилинган муддати, сизнинг шахсан катнашадиган қисмингиз, бажарилиш алгоритмидан кутиладиган натижалар.	Гоя муаллифининг исми-шарифи.

#### **Ишнинг синтез боскичи**

Бу боскичда таҳлилчилар гуруҳи (3-5 кишидан иборат) 1 - илова буйича тупланган гояларни жамлайди ва уларни кейинчалик таҳлил қилиш учун кутиларга ташлашади. Шундан сунг барча гоялар тизимлаштирилади, таснифланади, баҳоланади.

#### **Танкидий боскич**

Бу боскичда таҳдилчилар иккита гуруҳга булинадилар: таҳдилчилар ва танкидчилар. Танкидчилар илгари сурилган гояларни танкид қиладилар ва бунда генераторнинг шахсини эмас, балки гояларнинг узини танкид қилиши зарур булади.

Шундан сунг гоялар учта кутига ташланади:

1. Янги, бемалол хаётга тадбик, қилса буладиган гоялар;

2. Маълум гоялар;

3. Кейинчалик тахлил килиш учун сакланадиган гоялар.

Методикани утказувчилар тахлилчиларга доимий маслахатлар бериб борадилар ва регламентни саклашга ҳаракат киладилар (регламент 30 дакика).

Тахлилчилар 2- иловага мос ҳолда жадвални тулдирадилар.

Шундай килиб, янги маълумот тизими дунёга келади.

#### **Тахлилчилар учун**

Тахлилчилар гуруҳининг исми-шарифи (асосий тахлилчиларни курсатинг)

Илгари сурилган гоялар буйича киритиладиган маълумотлар.

1. Миқдорий курсаткичлар:

А) Катнашчилар миқдори \_\_\_\_\_

Б) Гоялар миқдори \_\_\_\_\_

2. Сифат курсаткичлари:

А) янги, ҳаётга тадбиқ, килиш мумкин булган гоялар;

Б) маълум гоялар \_\_\_\_\_

В) кейинги тахлил учун «ташландик, гоялар».

3. Биринчи иккита йуналишдаги гояларни алоҳида белгилаш ва тахлил килиш зарур.

4. Гоянинг муаллифини таъкидлаган ҳолда нисбатан оригинал гояларни ажратиш зарур (гоянинг маъносини қисқача ёзиш лозим).

#### **Рояларни умумлаштиш буйича бош тахлилчининг маърузаси**

Тахлилчилар гуруҳи 10 дакикалик маъруза учун бош тахлилчини мустақил ҳолда танлашади. Тахминан маърузанинг қуйидаги схемаси тақриф қилинади.

Миқдорий курсаткичлар:

1. Иштирокчилар миқдори.

2. Гоялар миқдори.

Шулардан:

1.1. Янги ва реал гоялар.

1.2. Оригинал гоялар.

1.3. Маълум гоялар.

1.4. Кераксиз гоялар.

Биринчи қутидаги гояларга алоҳида эътибор қаратилади.

#### **Ақлий ҳужум буйича умумий ҳулосаларнинг чиқарилиши**

Ақлий ҳужум методини утказувчи киши зудлик билан гояларни олдинга қуйилган максаддан келиб чиққан ҳолда таҳдил килади ва

мавжуд булган эски гоёлар билан киёслайди. Бундан ташкари, аклий хужумнинг утказилиш жараёнига кискача баҳо беради. Шу уринда натижага алохида эътибор қаратилади ва келажаги бор гоёлар реал амалий фаолиятда қулланилиши таъкидланади. Аклий хужум методини ҳар хил вариантларда амалга ошириш мумкин.

- Оғзаки индивидуал фикр билдириш. Бунда муаллиф ва унинг гоёси доскада муқаррар қайд қилинади.

- Гуруҳ билан ишлаш. Бунда командаларнинг гуруҳий гоёлари Қайд қилинади.

- Аклий хужум методи «Гоёлар конференцияси» қуринишида ҳам амалга оширилиши мумкин.

- Аклий хужумнинг яна бир қуринишида муаллифларнинг узлари уз фикрларини ёзадилар ва уни оғзаки тушунтирадилар. Шунинг учун педагоглар аклий хужум методини уйин жараёнида қуллаш технологиясини иложи борица узлаштириб олишлари зарур.

### **«БОТАНИК ЁКИ ЗООЛОГИК ЛОТТО» УЙИНИ**

Уқувчи катта хайвон, хашорат чизилган қарточка, яъни бир неча квадратларни олади. Кичик қарточкаларда-хайвонларнинг болалари, бир тур, бир оилага мансуб хайвонлар ёки хашоратларни танлаб, уларнинг биологик хусусиятлари, табиатдаги ахамияти хақида гапириб беради. Катта хайвонлар ва уларнинг болалари хусусидаги мослаштириш белгилари орқали дарсда утказиладиган мулоқотлар лотто уйинида уқувчиларга сузларни кичрайтириш, эркалаш сузлари орқали ва турли хил қуринишлар ёрдамида хулоса чиқариш имконини беради. Бу уйинда уқувчилар турли хил катта - кичик хайвонларнинг овозлари, ҳаракатларига тақлид қилиш орқали, инсоннинг хайвонат оламига муносабатини намоёиш этишлари мумкин.

### **«ШАРТНОМА»**

Шартномалар сизнинг гуруҳингиз бутун даре давомида ишлаш тугрисида келишилган қоидаларни уз ичига олади. Уларни гуруҳнинг узи белгилаши лозим. Бирок натижаларни киритишда фарқли равишда барча катнашчилар руйхат билан рози бўлишлари керак. Хамма шартномалар ёзиб бўлингандан сунг, уларни барча катнашчилар имзолашлари шарт.

«Шартнома» уйинида устоз гуруҳ катнашчиларининг узлари ишлаб чиққан қоидалар асосида узини тутиш масалаларини

тартибга солишга имкон беради. Кдтнашчиларга узлари рози булган маълум коидалар борлиги вақти-вақти билан эслатиб турилади.

Шартномага мисол: бирма-бир уз фикрини билдириш, бир-бирининг сузини булмаслик, бир-бирини хурмат килиш каби коидаларга риоя қилинади.

### **«МУНОЗАРА» УСУЛИ**

Мунозарани утказиш мавзуси аниқ, булиши керак. Масалан: географиядан «Орол денгизини саклаб қолиш» муаммоси, тарихдан «Янги демократик фукаралар жамияти қуриш муаммолари», узбек тили ва адабиётидан «Тил софлигини таъминлаш муаммолари» сингари мавзулар танланиши мумкин. Танланган муаммо қисмларга ажратилиб, 15-20 та қиска саволлар укучиларга берилиб, синф укучилари томонидан 3-4 кишидан иборат гуруҳларнинг саволларга жавоби муҳокама этилади ва мунозара бошланади. Мунозарада Хар бир гуруҳ аъзоси қуйилган муаммолар хақида уз фикрини баён этиш ҳуқуқига эга. Бошловчи ва 3 кишидан иборат эксперт гуруҳи барча жавобларни таҳлил қилиб, энг макбул жавоб вариантларини аниқлайди. Муаммони ҳал қилишнинг оптимал варианты аниқланиб, мунозарага яқун ясалади.

### **«КИМ КУП БИЛАДИ?» УСУЛИ**

Бу усулни хоҳланган укув предметидан хоҳлаган мавзунини урганишда қуллаш мумкин. Хар бир иштирокчи бирор-бир мавзу юзасидан 1 тадан (муаммо) савол туза олиши керак. Саволлар ёзилган қозғаларни укитувчига топширадилар. Синф укучилари 2 гуруҳга булинади. Бошқурувчи қулларини санаб, хар бирига 1 баллдан қуяди. Хар бир саволга 1 укучидан жавоб суралади. Агар нотугри булса, уша гуруҳдан (савол) 1 балл олиб ташланади. Қайси гуруҳ қуп балл тупласа, уша гуруҳ қолиб саналади.

### **«ХАЁЛИЙ САЁХАТ» УСУЛИ**

Таълимнинг бу интерфаол усули тарих, география, тил-адабиёт ва бошқа фанларда қулланиши мумкин. Тарихдан бирор даврдаги маълум бир давлат тарихига оид, географиядан бирон-бир кишлок, қитъа, орол, давлат буйлаб хаёлий саёхат қилиб, уни ёзма тарзда баён қилиш талаб этилади. Иштирокчи узи мустақил уша жойни

ёзма тасвирлаши керак. Кимнинг ёзма тасвирлаши мазмунан юкори савияда ёзилган булса, у голиб хисобланади.

Замонавий таълим-тарбия хар кандай даврда хам жамиятнинг юксак тараккий этишида энг долзарб вазифалардан бири булиб келган. Ахборот-коммуникацион технологияларнинг тезлашуви бошка сохалар катори, таълимда хам давр билан хамоханг булишни ва изланишни талаб этмокда. Бу эса узлуксиз таълим муассасалари укув жараёнига педагогик технология ва интерфаол усулларни жорий килиш муваффакиятини кафолатлайди.

### **ХУЛОСА**

Республикамизда мустакиллик йилларида ижтимоий, иктисодий, сиёсий сохаларда булгани каби, таълим сохасида хам кенг куламли чукур ислохотлар амалга оширила бошланди. Таълим тараккиётини жахон андозалари асосида кайта ташкил этишга киришилди. Натижада «Таълим тугрисида»ги Конун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», унинг мантикий давоми булган бошка бир катор таълимга оид Президентимизнинг фармонлари, фармойишлари ва хукумат карорларининг кабул килиниши жамиятда узлуксиз таълим тизимининг узвийлигини жорий этишга олиб келди. Улар таълим муассасалари фаолиятнинг сифат жихатидан янада самарадорлигини оширади хамда таълим мазмунини жахон таълим стандартлари даражасида ташкил этилишини белгилайди. Шунингдек, бу хикматлар таълим жараёнининг фаол субъекти ва объектлари булган-укитувчи ва укувчи уртасидаги муносабат мохиятининг янгича мазмун йунапиши ва гоёга асосланиши зарурлигини хам курсатиб берди.

Таълимни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, ахборот-коммуникация воситалари ва интерфаол усуллардан фойдаланиш давр талаби. Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг: «Аслида, таълим-тарбия сохасидаги ислохотнинг чегараси йук, токи хаёт давом этар экан, таълим хам, тарбия хам замон уртага куяётган янги-янги талабларга кура мустакил равишда узгариб, янгиланиб бораверади», деган ибратли сузлари хаётимиздан кенг, мустахам урин олди.

Дархакикат, узлуксиз таълим мазмунини миллий истиклол гоёлари асосида истикболли ривожлантириш ва такомиллаштириш давр талабидир. Унинг ёшлар камолотидаги ахамияти бекиёсдир. Шунинг учун таълим технологияси тамойиллари ва кридаларига амап килиш, таълим олувчи шахснинг кизикишлари, ижодкорлиги, интилишлари, психологик хусусиятлари ва индивидуал узлаштириш

суръатларига мувофик холда билим ва куникмаларни эгаллашини таъминлайди.

Келажаги буюк соғлом наслга пухта ва мукаммал таълим- тарбия бериш, улар калбига миллий ва умуминсоний кадриятларимизга хурмат, она-Ватанга мухаббат, садокат туйгуларини чуқур сингдириш лозим. Чунки уларда халкнинг педагогик гоёлари, дунёкараши, рухий кечинмалари узига хос йусинда аниқ, ибратли тарзда яққол ифодаланган.

Таълимнинг илк куртаклари халкимизнинг узок утмишига бориб такалади. Шу боис ёш авлод таълим-тарбиясини изчил йулга куйиш, бунда мавжуд имкониятлардан, жумладан, улуг мутафаккирларнинг бой илмий-маданий меросидан унумли фойдаланиш муҳим ва зарур, мақсадга мувофиқдир.

Улуг алломаларимизнинг маънавий-маърифий мероси ёшлар тарбиясида, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидоийлик, ахлокий, экологик фазилатларни шакллантиришда амалий аҳамиятга эга. Донишмандларимиз одоб-ахлоққа оид карашларида табиат ходисаларини урганиш, унинг бойликларидан унумли ва самарали фойдаланиш, бу бойликларни қупайтириш, авайлаб-асраш, зарурлигини, узок умр қуриш омиллари тинчлик ва тотувликда, туқин-сочинликда, таълим ва тарбияда эканлигини таъкидлаганлар. Аждодларимизнинг бу меросидан оқилона фойдалана олсак, келажакимиз эгалари, миллатимиз ворисларини тарбия қила оламиз.

Замонавий инновацион педагогик технологиялар янги авлод таълим-тарбиясида мустаҳкам пойдевор ҳисобланади. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик-шу Ватандаги бахт-икбол, туқин-сочинлик ҳамда юксак маънавият ва маданият, илм-фан кафолатидир.

Илмга ташна инсон нур ва зиё қабидир. Илмга хиёнат-Ватанга хиёнат. Илм-жасорат ва матонат маскани. Илм дунёвий буладими, диний буладими, инсон учун тенгдир. Биз барчамиз яқдил булиб мустаҳкам турар эканмиз, фарзандларимизнинг, хатто невараларимизнинг калбига ёт гоёлар ва бегона уй-хаёллар яқинлаша олмайди. Илм изидан эргашган инсон ҳеч қачон гафлат уйқусида қолмайди. Мамлакатимизда ёшлар қамолоти юксак эъзозланади.

Ўзбекистонда дунёда ҳеч қимдан қам бўлмаган қомил инсоннинг қамол топиши ва ҳар томонлама маънавий етук шахслар булиб вояга етишиши учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар эшиги

очик. Таълим-тарбия миллат ва мамлакат келажигига бевосита дахлдор соха. Шундай экан, бу вазифани узлуксиз таълимнинг илк боскичларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарк, 1997.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Жахон молиявий-иктисодий инкирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йуллари ва чоралари. - Тошкент: Узбекистон, 2009.
4. Каримов И.А. Узбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Тошкент: Шарк, 2011.
5. Узбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: Узбекистон, 1992.
6. Узбекистон Республикасининг “Таълим туррисида”ги Конуни. - Тошкент: Шарк, 1997.
7. Узбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. - Тошкент: Шарк, 1997.
8. Абу Али ибн Сино. Хикматлар. - Тошкент: Узбекистон, 1980.
9. Абдулла Кодирий. Утган кунлар. Мехробдан чаён. - Тошкент. Рафур ФуноМ номидаги Адабиёт ва саънат нашриёти. 1974.
10. Алишер Навоий. Арбаин хадис. Кирк хадис. Тошкент: Ёзувчи, 1991.
11. Азизхужаева Н.И. Педагогик технология ва педагогик махорат. - Тошкент: ТДПУ, 2010.
12. Бабанский Ю.К. Хозирги замон умумий таълим мактабларида уқитиш методлари. - Тошкент: Уқитувчи, 1984.
13. Бакиров П. Миллий ҒОА тарғиботида узбек халқ мақолларидан фойдаланиш. -Тошкент : Маънавият, 2007.
14. Беспалько В.П. Слагаемые педагогические технологии. - Москва: Педагогика, 1989.
15. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илгор педагогик технология: назария ва амалиёт. - Тошкент: Ибн Сино, 2001.
16. Йулдошев Х.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. - Тошкент: Уқитувчи, 2004.
17. Ёриев Б. Сайланма, биринчи жилд. - Тошкент: Мухаррир, 2011.
18. Кодиров Б.О. Узбек халқ педагогикасининг шаклланиши. - Тошкент: Фан, 1992.
19. Кайковус. Крбуснома. - Тошкент: Уқитувчи, 1992.
20. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. - Москва: Знание, 1989.

21. Кенжабоев А. Булажак уқитувчиларни иқтисодий тарбия илмига тайёрлаш. - Тошкент: Тафаккур коиноти, 2011.
22. Мавлонова Р. ва б. Педагогика. - Тошкент: Уқитувчи, 2001.
23. Махкамов У. Ахлоқ,-одоб сабоклари. - Тошкент: Фан, 1994.
24. Мусурмонова О. Оила маданияти - миллий Фурур. - Тошкент: Уқитувчи, 1994.
25. Мирзаев Т. ва б. Ўзбек халқ мақоллари. - Тошкент: Шарк,, 2003.
26. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши: Насаф, 2000.
27. Обидов М. Одоб-ахлоқ, маънавият булоғи. - Тошкент: Фан, 1999.
28. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. - Тошкент: ЎзМУ нашри, 2002.
29. Толипов Ё. ва б.к. Уқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларни жорий этиш.-Тошкент: 2004.
- '30. Фаберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. - Тошкент: Уқитувчи, 1999.
31. Фитрат А.А. Оила - Боқу: 1915.
32. Шодиев Н. Уқув жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2006.
33. Юзевичение П.А. Теория и практика модульного обучения. - Каунас: 1989.
34. Хайдаров М.М. Педагогика фанининг захматкаши. - Тошкент: Уқитувчи,1990

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Таълим <i>ислохоти</i> -равнак, ифодаси .....	5
Баркамол авлод-обод юрт таянчи.....	17
Таълим тизимида интерфаол усулларни куллаш .....	28
«Эркин хат» .....	29
«Саволлар кутичаси» .....	29
«Аклий хужум» .....	30
«Ботаник ёки зоологик лотто» уйини .....	36
«Шартнома».....	36
«Мунозара» усули.....	36
«Ким куп билади?» усули .....	37
<b>Ахмед РАХМАТУЛЛАЕВ, Асрор САМИЕВ, Бахром УМАРОВ, Ориф АЗИЗОВ</b>	

**ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ НАШР**

**Ахмед РАХМАТУЛЛАЕВ, Асрор САМИЕВ,  
Баҳром УМАРОВ, Ориф АЗИЗОВ**

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛ ИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯ**

*Мазкур услубий к.уллазма Сурхондарё ВПКК,ТМОИ Илмий-кенгашининг 2012 йил 28  
ноябрдаги 6/3- сонли қарори асосида нашрга тавсия қ.илинган.*

Мухаррир:	М.Муродов.
Техник муҳаррир:	Ч.Раҳмонов.
Мусаххих:	М.Муродов.
Саҳифаловчи:	Ш.Холмуродова.

Нашриёт лицензия №А1139, 27.04.2009 йил. Теришга 28.12.2012  
йилда берилди. Босишга 25.01.2013 йилда рухсат этилди. Бичими  
60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> .Офсет КОГОШ. Times UZ гарнитураси. Офсет усулда чоп  
этилди. Шартли босма табоги 2,32. Нашр босма табоги 2,19. 116-  
2012-шартнома. Буюртма № .100 нусхада. 44 бет. Эркин нарҳда

**“Насаф” нашриёти, 180118, Карши шаҳри,  
Мустақртлик шох кучаси, 22-уй.**

**Термиз шаҳар «Полиграф-Нашр»  
МйЖ компютерида терилди ва саҳифаланди.  
Ф. Хижоев кучаси. 30-уй.**

